



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 41 (12.102)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2012 йил Ўзбекистон Республикасида «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 13 декабрдаги Ф-3760-сон фармойиши билан тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ҳамда ноҳуқумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қўнғунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгаришларни ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш;

ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан қўлай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш;

жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур қўмак ва ёрдам бериш;

оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маънавий шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш;

«Соғлом она – соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;

жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг

ўрни ва аҳамиятини ошириш; жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

2. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) зиммасига «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг амалга оширилишини ташкиллаштириш ва мониторинг қилиш вазифалари юклатилсин.

Республика комиссияси: икки ҳафта муддатда, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг устувор йўналишлари ва тадбирларидан келиб чиққан ҳолда, республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари томонидан ҳар бир идора, вилоят, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича «Мустаҳкам оила йили»нинг ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига киритилган тадбирларни тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажариш бўйича республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари даражасида ишлар аниқ-пухта мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастур амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги материалларни йилнинг ҳар чора-рағида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида қўриб чиқсин;

ҳар чорак якунлари бўйича «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Девонига ахборот бериб бурсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманларда (шаҳарларда) «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури амалга ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари бошчилигида ҳудудий комиссиялар тузилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар тегишли ҳудудларда оғишмай ва тўлиқ ҳажмларда амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарликни юкласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари: аҳоли, айниқса, ёш оилалар ўртасида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини, давлат томонидан оилаларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича унда белгиланган чора-тадбирларни мунтазам ва кенг қўламли тушунтириб борилишини;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга қўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури амалга оширилиши тўғрисида кенг жамоатчилик доимо ҳабардор қилиб турилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларининг ҳам ҳиссаси катта. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» аънавий кўрик-танлови маҳаллалардаги милиция таянч пунктлари инфратузилмаси ва фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

«Туркистон» саройида мазкур танловнинг 2011 йил натижалари бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни энг олий қадрият сифатида таъминланаётганини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда мамлакатимизнинг

ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган эзгу ишларда юртимиздаги барқарорлик, тинч ва осойишта ҳаёт муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу жараёнда ички ишлар идораларининг ижтимоий ҳаётдаги роли ва мавқеини, жамоатчилик, айниқса, маҳаллалар билан алоқасини мустаҳкамлаш масаласи

– доимий эътиборда. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги мавжуд 3558 милиция таянч пунктининг 70,5 фоизининг атрофида факультатив тўғрақлар, 72,5 фоизининг атрофида кичик бизнес шохобчалари ҳамда 84,8 фоизининг атрофида вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмуни ўтказиш учун жиҳозланган спорт майдончалари фаолият юритмоқда.

(Давоми 3-бетда)

РОЛАН БЛЮМ:

«ЎЗБЕКИСТОН ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД МАСАЛАСИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК БИЛАН ЁНДАШМОҚДА»

Ўзбекистон ва Франция ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги арафасида Франция Миллий Ассамблеясидаги «Франция – Ўзбекистон» парламентлараро дўстлик гуруҳининг раиси Ролан Блюм «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан сўхбатда мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

— Аввало, «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзуга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш учун Ўзбекистонга келганимдан мамнулимни билдиришни истар эдим, — деди у. — Шунингдек, ушбу сафарим чоғида республиканинг қатор вазирлик ва идоралари вакиллари билан ҳам учрашишга муваффақ бўлдим. Шунингдек, этиш жоизки, мамлакатларимиз ўрта-

сида йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик ришталари ўзининг салмоқли тарихига эга ва ишончим комилки, улар бундан кейин ҳам икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида мустаҳкамла-ниб бораверади.

Бизларнинг учрашуларимиз мунтазам тус олган — Франция вазирлик ва идоралари, парламент депутатлари, шунингдек, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамкорлик соҳасидаги мулоқотни давом эттириш мақсадида Ўзбекистонга тез-тез келишади.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср саҳоси Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлиси бўлди.

• Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Бухоро вилояти ҳудудий бўлинмасида ижтимоий шериклик механизми ва шакллари тақомиллаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Бухоро вилояти ҳудудий бўлинмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат идоралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Фарғона шаҳрида «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳамда ЎзЛиДеП фракцияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, экспертлар, ҳуқуқшунос олимлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассислари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳамда аҳамиятини кучайтиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари ҳамда журналистлар қатнашди.

ЖАҲОНДА

• Италия жанубидаги Сицилия оролида 4,2 балли zilzila содир бўлди. Қутқарув хизматининг хабарига кўра, ўтган қисқа вақт ичида асосан кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилардан минглаб кўнғироқлар рўйхатга олинган. Айрим инсонлар вақтинчалик уйлари тарқ этсан.

• «Sateby's» кимошди савдо уйи томонидан Роя Михтеншмейнинг машҳур «Уйқудаги қиз» номли асари аукционга қўйилиб, унинг бошланғич нархи 40 миллион АҚШ долларига баҳоланмоқда.

• Астраханда портлаган кўп қаватли уйдан учта одамнинг жасади топилди. Ҳозирча ҳеч бирининг шахси аниқланмаган. Маълумотларга кўра вайроналар остида 10 киши қолиб кетган.

• Таиланд ва Лаоснинг тоғли ҳудудлари қуюқ тутун остида қолган. Бунга сабаб, маҳаллий аҳолининг қадимий одатига кўра ўрмоннинг маълум қисмини ёқиб, унинг ўрнига бошоқли экинлар экишидир. Ёнғиндан сўнг ҳосил бўлган қулдан эса ўғит сифатида фойдаланадилар.

• «Samsung» компанияси янги «Galaxy Beam» пикопроекторли апаратини намойиш қилди. Ушбу мослама телефон экранидаги тасвирларни деворга, шифтга ёки бошқа юзаликка чиқариб кўрсатиш имкониятига эга. Проекция ўлчанининг диагонали 50 дюймни ташкил қилади. Апарат тасвир ойнасининг ўзи эса тўрт дюймга тенг.

Тошкент шаҳри, 2012 йил 27 февраль

ҚИСҚА САТРАДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ БУГУН «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ташаббуси билан

ҳудудда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

✓ БУГУН А. Қодирини номидаги Тошкент Давлат маданият институтида «Баҳор келди сени сўроқлаб» мавзусида ижодий уч-

рашув бўлиб ўтди.

✓ ЭРТАГА Ўзбекистон Миллий матбуот маркасида «Оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, маънавий ҳаётни юксалтириш, жамиятда эзгу инсоний

фазилатларни кенг қарор топтириш, миллий урф-одатларимизни зарарли таъсирлардан асраб-авайлаш борасидаги устувор вазифалар» мавзусидаги матбуот анжумани ўтказилади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимиз ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини такомиллаштириш ва хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасидаги устувор вазифалар ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан ташкил этилган тадбирда мазкур соҳа мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кутубхоналар неча асрлар давомида инсониятга қимматли билим олиш ва уни келажак авлодларга етказиш воситаси сифатида хизмат қилиб келмоқда. Бугунги кунда кутубхоналар жаҳон миқёсида китобхоналарга бепул хизмат кўрсатадиган энг гавжум маданият ўчоқларига айланди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида барча соҳаларда амалга оширилган янгиланишлар кутубхоналарнинг ҳам жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ўзгартирди. Бугунги кун уларнинг ишини инновациялар асосида ташкил этиш, турли тоифадаги фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги шакл ва усулларини, кутубхона фаолиятининг янги йўналиш ҳамда воситаларини излаб топишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг ташкил этилгани аҳоли, айниқса, ёшларнинг илмий, интеллектуал ва касбий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда, — дейди Республика ахборот-кутубхона маркази директори Алишер Эшматов. — Президентимизнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим омил бўлаётди. Қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги жами 14 та оммавий кутубхона Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфига ўтказилиб, уларнинг

негизида ахборот-кутубхона марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бу ахборот-кутубхона марказлари учун турли ва- зирлик ва идораларнинг ҳудудий ахборот-кутубхона муассасаларига услубий ёрдам бериш ҳамда аҳолига замонавий ахборот технологиялари асосида сифат жиҳатидан янги хизматлар кўрсатиш имконини

Қарор ва ижро

АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

яратди. Ахборот-кутубхона марказларида китоблар фондидан доимий равишда янгилаш ва тўлдириб бориш, илмий-маърифий, бадий китоблар, ноёб асарларнинг электрон шаклини яратиш, китобхоналарга тезкор ва сифатли ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ахборот-кутубхона марказларининг китоб фонди 5 миллионга яқин нусхани ташкил этади, ҳар йили бу кўрсаткич ўртача 12 минг нусхага кўпаймоқда. Ахборот-кутубхона марказла-

ри ташкил этилганидан буён улардан фойдаланадиган ўқувчилар сони 270 мингга етди, уларнинг 50 фоиздан ортиғи эса ёшлардир. Ахборот-кутубхона марказларини босқичма-босқич интернет ва «ZiyoNET» тармоқларига улаш ишлари катта эътибор қаратилмақда. Ўқув залларида ўрнатилган 340 дан ортиқ бўлинмаларда ташкил этилган автоматлаштирилган иш жойларидаги 170 та компьютер локал тармоққа уланган бўлиб, китобхоналарнинг ушбу тармоқдан фойдаланиши учун имконият яратилган.

Ахборот-кутубхона муассасаларининг меъёрий-ҳуқуқий базисини мустаҳкамлаш мақсадида 2011 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонунини қабул қилинди. Қонунда ахборот-кутубхона фондларини шакллантириш, уларнинг сақланишини таъминлаш, электрон каталог ва кутубхоналар яратиш, АКТ асосида ахборот-кутубхона ресурсларидан биргаликда фойдаланиш ва алмашишга доир нормалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралда қабул қилинган «2011-2015 йилларда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматини ахборот-коммуникацион технологиялар асосида сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, ўтган йили соҳага ахборот, кутубхоначилик ва ноширлик ишлари бўйича давлатлараро стандартлар тизимига кирадиган 3 та давлат стандартини жорий қилиш ишлари бошланди. Ушбу стандартлар электрон кутубхоналар фаолияти, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгиси, шунингдек, электрон ахборот-кутубхона ресурсларининг библиографик тавсифини аниқ белгилаб беради.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА муҳбири

Касаба уюшмалари фаолиятдан

ЁШЛАР УЧУН ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

Инсонлар маънавиятининг шаклланишида, онг ва тафаккурининг янада теранлашувида, ёшларимизнинг келажакда ўзи истаган ва орзу қилган соҳасининг етуқ мутахассиси бўлиб етишишида ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг олиб бораётган фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Ҳозирги даврда ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасидаги муштарак вазифалар» мавзусида шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ўқув-семинар машғулоти ташкил этилди.

Семинарда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари тизимидаги корхона, ташкилотлар тасарруфидagi 19 та кутубхоналар мудири, мутахассислар, маданият саройлари директорлари ҳамда касаба уюшмалари кўмиталари раислари, маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланувчи масъул ходимлар, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари иштирок этдилар.

Дастлабки машғулотлар Алишер Навоий номидаги кутубхонанинг бўлимлари билан танишувдан бошланди. Икки гуруҳга бўлинган иштирокчилар мутахассислар ёрдамида кутубхона курилишига оид маълумотлар, муассасанинг хориж мамлакатлари кутубхоналаридан афзаллик томонлари, китобхоналар, ёшлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатлами учун яратилган имкониятлар, мавжуд китоблар, уларнинг фуқароларга хизмат қилиш тартиби ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган эркин бунёдкорлик ишлари, эришилаётган оламшумул ютуқлар, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга бўлган юксак эҳтиром ва ифтихор туйғуларининг жўшиб, янги изланишлар сари чорлаётганини таъкидлаб ўтди. Нотик бугунги кунда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшлар дунёқарабини шакллантириш, кадриятларимизни кадрлашга чорлаш,

халқимизнинг бой тарихий маданий меросини асраб-авайлаш ва баркамол авлодни муносиб фарзандлар қилиб тарбиялашда ахборот-кутубхона тизимларининг ролини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигига ҳам тўхталди.

Шунингдек, анжуманда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Абдусалом Умаров Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остида» китобининг мазмун-моҳияти хусусида сўзлаб берди. Кутубхонанинг Ахборот-кутубхона хизмати бўлими мудири Умида Тешабоева «Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишдаги замонавий имкониятлари», Илмий методика ва тадқиқот бўлимининг мудири Ободбой Қиличбоев «Кутубхоначилик соҳасидаги ислохотлар: муаммолар ва ечимлар» мавзуларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. «Маърифат маркази» мажмуасининг барпо этилиши тўғрисида намоён этилган видеофильм эса барча иштирокчиларга манзур бўлди.

— Яхши аъёнага айланган мазкур ўқув-семинар менда катта таассурот уйғотди, — дейди «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акционерлик компанияси муҳандиси Фарид Раҳмонбердиева. Айниқса ушбу кўркам ва мафтункор, барча қулайликларга эга кутубхона билан танишувимиз давомида руҳим енгиллашиб қалбимда жаннатмакон юртимизга бўлган меҳр янада жўш урди. Инсон маънавий дунёсини бойитишда бундай нуфузли иншоотларнинг бунёд этилаётгани муҳим аҳамият касб этади. Кутубхоналар фақат киши маънавиятини оширибгина қолмай, балки унинг қалбида гўзал туйғуларнинг шаклланишига, ўзгиллигини англашга, миллий урф-одатларимиз ва аъёналаримизга бўлган муҳаббатнинг кучайишида муҳим роль ўйнайди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Умумий ва олий таълимни ўзаро боғлаб турган муҳим бўгин — ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими реал иқтисодийнинг турли йўналишлари учун малакали кадрларни етказиб беришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бунда меҳнат бозорининг муайян ихтисосликларга талаби ҳудудлар бўйича ўрганилаётгани корхоналарнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашга хизмат қилмоқда.

Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник механик, кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори, автоматика воситалари ва назорат ўлчов асбобларини монтаж қилиш, ишлаш ва хизмат кўрсатиш техник, пайвандлаш жиҳозлари механиги, маиший хизмат техникаси ва касса аппаратларини таъмирлаш бўйича уста, бағалтер, молячи, автомобиль электр ва электрон жиҳозлари диагностикаси техникни, маиший хизмат машиналарини таъмирлаш, компьютер тармоқларини монтаж қилиш ва таъмирлаш каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Коллежда ўқув ва лаборатория хоналари, ахборот-ресурс маркази, амалиёт учун мўлжалланган устaxonалар ўқувчилар ихтиёрида.

СУРАТДА: Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи ўқувчилари амалий машғулотда. Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган сурат



Ҳуқуқ

НОҚОНУНИЙ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Бугун, ишлайман деган одамга ҳамма жойда иш топилади. Кўриб-билиб, гувоҳи бўлиб турибмизки, мамлакатимизда тадбиркорликка, кичик бизнесга кенг йўл очиб берилгани сабабли кун сайин, ой сайин юзлаб-минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Бундан ташқари, барча вилоятларда, айниқса, пойтахт шаҳримизда ишлаб турган ва ишга туширилаётган янги-янги қўшма корхоналар, кичик корхоналарда, хусусий корхоналар ва фирмаларда иш ўринлари мавжуд бўлиб, хоҳлаган одам албатта ишга жойлашиши мумкин.

Лекин, атрофдаги бўлар-бўлмас узунқулоқ гапларга «фалон мамлакатда ойига шунча ишласа бўларкан» деган сافсаталарга учиб, мўмай даромад топиш илнжида ноқонуний равишда чет элларга отланаётганлар ҳам тез-тез ураб турибди.

Хусусан, Тошкент авиация транспорт прокуратураси томонидан 2011 йилнинг ўтган 12 ойида рўйхатга олинган ЖКнинг 223-моддасида кўрсатилган қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятининг содир этилиши сабаблари ҳамда уларни олдини олишга қаратилган чоралар аҳоли ўрганилиб, умумлаштирилди. Статистик маълумотларнинг таҳлилига кўра, Тошкент аэропорти ТИИБда 2011 йил давомида беш юздан зиёд қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятлари рўйхатга олинган. Тергов қилинган жиноят ишлари бўйича жами 551 нафар фуқаролар жиноий жавобгарликка тортилганлар. Буларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиб, 9 нафари чет эл фуқароларидир.

Хусусан, юқорида кўрсатилган шахсларнинг Озарбойжон, Украина, Грузия Республикалари ва Россия Федерациясининг Москва шаҳри орқали, асосан Истанбул, Сеул, Дубай, Шаржа, Дехли, Нью-Йорк, Лондон, Техрон, Карачи ҳамда Тель-Авив шаҳарларида ноқонуний равишда чиқиб кетганликлари аниқланган.

Масалан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 2-даха, 36-уй, 22-хонадонда яшовчи Кристина Владимировна Топоркова ўзига тегишли фуқаролик паспортида чет элга чиқиш

ҳуқуқини берувчи «Рухсат ёзуви» бўлмаганлигини била туриб, 2003 йил 10 март куни Қирғизистон Республикаси орқали БАА давлатига учиб борган.

2011 йил 25 февраль куни «Тошкент-Аэропорт» алоҳида чегара назорати базаси ходимлари томонидан «Дубай-Тошкент» йўналиши бўйича учиб келган йўловчилар чегара назоратидан ўтказилганда, Ўзбекистон Республикаси фуқароси К.Топорковага тегишли бўлган СА 1841129 рақамли фуқаролик паспортида чет элга чиқиб келганлигини тасдиқловчи белгилар мавжуд бўлса-да, чет элга чиқиш ҳуқуқини берувчи рухсат ёзуви бўлмаганлиги аниқланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган. Ушбу ҳолат юзасидан К.Топорковага нисбатан ЖКнинг 223-моддаси 1-қисми билан айблов эълон қилиниб, жиноят иши мазмунан кўриб чиқишлик учун жиноят ишлари бўйича Сергели туман судига юборилган ва суднинг ҳукми билан унга тегишли жазо тайинланган.

Мазкур жиноятларнинг келиб чиқишининг олдини олиш юзасидан аввал Тошкент авиация транспорт прокуратураси томонидан ички ишлар органлари, фуқаролар йиғинлари ва хотин-қизлар кўмиталари мутасадди ходимларининг масъулиятини янада ошириш мақсадида тақдимнома киритилган бўлишига қарамасдан, бу тоифадаги жиноятларнинг сони камаймаётгани, мутасадди ташкилотлар бу борадаги фаолиятга янада жиддийроқ эътибор қаратишлари зарурлигини кўрсатади.

Абдували ҲАЙДАРОВ,
Тошкент авиация транспорт прокуровори ёрдамчиси, 3-даражали юрист

РОЛАН БЛЮМ:

«ЎЗБЕКИСТОН ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД МАСАЛАСИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ГАМХЎРЛИК БИЛАН ЁНДАШМОҚДА»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бизда мулоқот учун ҳар икки томонда қизиқиш уйғотадиган масалалар кўп, улар қаторида таълим ва энергетика соҳаларини тилга олиш мумкин. Газ қувурлари, энергетика ресурслари, нефть-газ қувурлари билан боғлиқ масалалар бугунги кунда Европада ўткир муаммо бўлиб турибди. Долзарб мавзулар муҳокамаси чоғида улар эътиборимиздан четда қолмайди, албатта. Шубҳасиз, Афғонистондаги вазиятга алоқадор масалалар ҳам. Франция ҳукумати Президент Ислам Каримов олиб бораётган сиёсатни, давлатингиз раҳбарининг қўшни мамлакат муаммолари тинч йўл билан ҳал этилиши, яхши алоқалар ўрнатиш ва бу мамлакатга ёрдам кўрсатиш борасида намойиш қилаётган қатъийлигини қўллаб-қувватлайди. Бундай нуқтаи назар Франция парламенти томонидан ҳам ҳар жиҳатдан маъқулланмоқда.

Икки мамлакат парламент аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳақида сўз юритар эканмиз, шунини таъкидлаш лозимки, бизда умумий мақсадлар, умумий вазифалар мавжуддир. Биз ҳам сизлар сингари ўзимизнинг демократик тизимимизни, парламент ишини янада тараққий топтириш ниятидамыз. Учрашув чоғларида биз қарашларимизни ўртоқлашамиз, умумий ёндашувлар ишлаб чиқамиз, келажакдаги ҳамкорликнинг истиқболларини кўриб чиқамиз.

Мен ҳозир таълим масалалари бўйича Халқаро конференциядан олган катта таассуротларим таъсириданман. Шунини аниқ айта оламани, бу соҳада Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат, амалга оширилган ислохотлар шакли ва мазмуни билан нафақат менга, балки бошқа ҳамкасбларимга ҳам қалбан яқиндир. Мамлакатингизда узлуксиз таълимни кўзда тутадиган мукаммал тизим яратилган. У Европанинг таълим моделига жуда ўхшаш. Менинг фикримча, Франция ва Ўзбекистон ўртасида мунтазам талабалар ва ўқитувчилар алмашувини йўлга қўйиш лозимки, бу ҳар икки томонга бир-бирининг таълим тизимидаги нозик жиҳатларни яхшироқ билиш, уларни бойитиш ва илм соҳасидаги ҳамкорликимизни янада кенгайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Президентининг мазкур халқаро конференциядаги нутқиға тўхталар эканман, унда ўз аксини топган чуқур мазмун, масалаларнинг кенг қамраб олиниши, олдинда турган вазифаларни ҳал қилишдаги узокни кўра олиш сингари жиҳатларни қайд этишни истар эдим. Ёшларнинг баркамол вояга етиши учун юртингизда қандай катта режалар амалга оширилиши, таълимнинг глобаллашув таҳдидларига қарши тура оладиган барқарор иқтисодий тараққиёт пойдеворидан бири эканлиги давлат раҳбарининг ушбу нутқида ўзининг аниқ-равшан ифодасини топган.

Мамлакатингизнинг мустақил ривожланиш йиллари давомида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган муваффақиятлари ҳақида ҳам тўхталар эканман, шу ўринда режали-маъмурий бошқарув тизимидан эркин бозор иқтисодиётига ўтиш ниҳоятда мураккаблигини таъкидлаш зарур бўлади. Ва шунини ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон алоҳида ларзаласиз иқтисодиётнинг ушбу тизимига ўтди. Республика сармоявий сиёсат, янги иш ўринларини яратиш, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масалаларида катта муваффақиятларга эришди. Мамлакат раҳбарияти модернизациялаш ва барча соҳаларда илгор технологиялар жорий қилиниши учун кўп саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон турли халқаро иқтисодий анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқда. Ишбилармон доиралар, тадбиркорлар, молия-банк соҳаси вакилларининг икки томонлама учрашувлари мунтазам тус олган ва улар бизда, Европада ўтаётди. Ўзбекистон — иқтисодиёти самарали тарзда бошқарилаётган мамлакат ҳисоблангани ҳолда унинг раҳбарияти ташаббуслари жиддий эътиборга сазовор бўлган натижаларни бераётди. Мамлакатингиз сармояларни жалб қилиш борасидаги энг оқилона сиёсатини ишлаб чиққан давлатлар қаторида муносиб ўрин эгаллайди. Ўзбекистон — улкан келажакка эга мамлакатдир, чунки у ўсиб келаётган авлод масаласига юксак эътибор ва гамхўрлик билан ёндашмоқда. Бундай ёндашув ўз олдиға кенг миқёсли вазифалар қўйиш ва уларни муваффақиятли тарзда ҳал қилишга қодир бўлган давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг оқилоналиги ва узокқа мўлжалланганлиги билан изоҳланади.

«Жаҳон» АА

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Профилактика инспекторлари, маҳаллалар оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, замонавий жиҳозлар ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда ўзаро ҳамкорликда фаолият юритаётгани иш самардорлигини оширмоқда. 2011 йилда 2 минг 254 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Мазкур кўрик-танловнинг якуний босқичида виллоят босқичларида голиб бўлган 14 милиция таянч пункти иштирок этди. Танлов соҳадаги энг илгор тажриба ва ютуқларни тарғиб қилиш ва милиция таянч пунктлари ўртасида кенг оммалаштиришда алоҳида аҳамият касб этаётди.

Самарқанд вилояти Пахтачи тумани «Санчикул» маҳалласидаги 250-ми-

лиция таянч пункти, Фарғона вилояти Кува тумани «Ақбаробод» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 297-милиция таянч пункти, Навоий вилояти Зарафшон шаҳри «Шахтёр» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 16-милиция таянч пункти, Жиззах шаҳри «Бобур» маҳалласидаги 27-милиция таянч пунктлари биринчи ўринга лойиқ топилди. Голибларга «Matiz» автомашиналари топширилди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан профилактика хизматининг ташкил этилгани ва тобора такомиллаштирилаётгани халқимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётди, – дейди танлов голиби, Пахтачи тумани «Санчикул» маҳалласидаги 250-милиция таянч пункти инспектори, капитан Фахриддин Хусанов.

– Милиция таянч пунктимики икки қаватли, замонавий жиҳозлар билан таъминланган бинода жойлашган. Аҳоли маслаҳат олиши учун зарур бўлган ҳуқуқшунос, солиқчи, ёнгин на-

зорати, йўл ҳаракати нозири каби йиғирма икки хил хизмат учун хоналар, бурчаклар ташкил қилинган. Турли ҳунар ва спорт тўғрисида мунтазам ишлаб турибди. Аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг ижобий ҳал этилаётгани самарасида 21 минг аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламизда ўтган йили бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Танловда иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган милиция таянч пунктлари ҳам аниқланди. Танловнинг «Энг фаол профилактика инспектори», «Энг фидойи маҳалла раиси», «Энг фаол маҳалла посбони», «Ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси», «Адолатли яраштириш комиссияси», «Баркамол авлод етакчиси» каби номинациялари бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Кейинги йилларда республикамизда нейрохирургия соҳаси бўйича кенг кўламли илмий ва амалий ишлар амалга оширилди. Республика нейрохирургия илмий маркази тадқиқотлари туфайли аҳоли орасида бош ва орқа мия ўсмалари, шиш ҳамда тананинг турли чурраларини эрта аниқлаш ва ташхислаш каби касалликларни даволашнинг илгор усуллари рўёбга чиқди.

МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ

Натижада текширув-диагностика ва операция амалиёти ўз самарасини берди. Хориж тажрибасини ўрганиш ва тажриба алмашиш натижасида марказ фаолиятида қатор янги ёндошувлар йўлга қўйилди. Бельгия, Австрия, Украина ва Россияда қўлланилаётган жарроҳлик усуллари ҳам амалиётда қўл келмоқда.

Марказнинг операция блокада мураккаб муолажалар амалга оширишда. Эндозвизаль ва стеротаксик нейрохирургияга оид даволаш жараёнлари марказ учун муҳим янгилик бўлди. Шунингдек, бош мия ва периферик касалликларни даволашда микрохирургик техника ҳамда эндоскопик, эндоваскуляр аппаратларидан фойдаланилмоқда.

Шифохонанинг моддий-техник негизи мустаҳкамлаб бормоқда. Замонавий усулда янги бино бунёд этилди. Эндоскопик, микроскоп, рентген, компьютер томограф каби энг замонавий аппаратлари харид қилинди.

Марказда яратилган бу сингари қулайликлар шифокорларни янада самарали ишлашга ундамоқда.

Аҳмад ВАХОБОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚУЙИДАГИ НОТАРИУС ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида

Учтепа туман 9-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига Қайта танлов ўтказилишини эълон қилади

Тошкент шаҳрида

Сергели туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза.
 2. Паспорт нусхаси.
 3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа.
 4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси.
 5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширилганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар учун эса малака имтиҳонини қайта топширилганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма).
 6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
- Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2012 йил 20 март)

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Тошкент вилояти Қйрай туман суд ижрочили ра бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Автотранспорт тури, ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами	Мулкнинг асосий тавсифлари	Двигатель рақами	Кузов рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)	Ижро ҳужжатининг рақами ва санаси
«Матиз Бест» 2007 й. 30 S 8669	Серебристостальной (серый)	966269	XWB4B11AD7A015934	10 333 000	1875311 23.12.2011 й.
«АУДИ-100» 1993 й. 40Н 026416	Металлик	026416	049532	2 709 000	4311 04.01.2012 й.
«ВАЗ-2101» 1977 й. 30 N 7303	Оқ	2539109	2298321	2 426 494	114175 25.10.2011 й.
«Нексия Дэнс» 2008 й. 10 D 195 EA	Оқ	0893443	XWB3D31BD8A161582	23 170 000	167336 09.12.2011 й.

Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари «Аргин Савдо» УҚда сақланмоқда.

II. Тошкент вилоят Зангиота туман СИБнинг № 1616/15-сонли ижро ҳужжати асосан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: 1981 йилда ишлаб чиқарилган «ГБАСП ЗИЛ-130» русумли, д/р 10 F 061 DA бўлган, двигатель № б/н, кузов рақами – бортли, техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 799 000 сўм. Автотранспорт воситаси Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Сандумар Абдуллаев» МЧЖ омборхонасида сақланмоқда.

III. Тошкент вилоят Чиноз туман СИБнинг 13.01.2011 № 11-1126/846-сонли ижро ҳужжати асосан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. ЭКГ-5А-9614 русумли Экскаватор, 1990 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 38 820 081.36 сўм. 2. ЭКГ-5А-10013 русумли Экскаватор, 1990 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 58 230 122.03 сўм. 3. ЭКГ-5И-12209 русумли Экскаватор, 1990 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 58 230 122.03 сўм. 4. 5ВС-60 № 55304604 русумли Думпкар, 1972 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 5. 5ВС-60 № 55304786 русумли Думпкар, 1964 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 6. 5ВС-60 № 55304513 русумли Думпкар, 1973 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 7. 5ВС-60 № 55304711 русумли Думпкар, 1990 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 8. 5ВС-60 № 55304943 русумли Думпкар, 1979 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 9. 5ВС-60 № 55304307 русумли Думпкар, 1966 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 10. 5ВС-60 № 55304505 русумли Думпкар, 1972 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 11. 5ВС-60 № 55304554 русумли Думпкар, 1967 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 12. 5ВС-60 № 55304372 русумли Думпкар, 1966 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 13. 5ВС-60 № 55305007 русумли Думпкар, 1966 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 14. 5ВС-60 № 55304323 русумли Думпкар, 1967 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 15. 5ВС-60 № 55304562 русумли Думпкар, 1973 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 16. 5ВС-60 № 55388649 русумли Думпкар, 1979 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 17. 5ВС-60 № 55304463 русумли Думпкар, 1973 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 18. 5ВС-60 № 55388656 русумли Думпкар, 1979 й. и/ч. Бошланғич баҳоси –

11 293 114.58 сўм. 19. 5ВС-60 № 55538714 русумли Думпкар, 1979 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 293 114.58 сўм. 20. 6ВС-60 № 55538722 русумли Думпкар, 1979 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 756 017.10 сўм. 21. 6ВС-60 № 55304620 русумли Думпкар, 1990 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 756 017.10 сўм. 22. 6ВС-60 № 55304752 русумли Думпкар, 1976 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 756 017.10 сўм. 23. 6ВС-60 № 55538706 русумли Думпкар, 1979 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 756 017.10 сўм. 24. 6ВС-60 № 55538623 русумли Думпкар, 1979 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 756 017.10 сўм. 25. 6ВС-60 № 55304836 русумли Думпкар, 1973 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 756 017.10 сўм. 26. 6ВС-60 № 55304984 русумли Думпкар, 1973 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 756 017.10 сўм. 27. 6ВС-60 № 55304778 русумли Думпкар, 1973 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 756 017.10 сўм. 28. 6ВС-60 № 55304901 русумли Думпкар, 1973 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 756 017.10 сўм. 29. 6ВС-60 № 55305031 русумли Думпкар, 1979 й. и/ч. Бошланғич баҳоси – 11 756 017.10 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 04 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 04 апрель куни савдога сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 19 апрель куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Буюк Ипақ йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

«КОСНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан, Ҳўжалик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 12 сентябрдаги 10-1115/8091-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 49-уйда жойлашган, умумий майдони 315,10 кв.м бўлган, 10 та хизмат хонаси, 2 та йўлакдан иборат маъмурий бино қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 310 237 000 сўм.**

II. Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 2011 йил 23 июндаги 1-357/2011-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Эски Тошкент қ.ф.й. худудида жойлашган, умумий ер майдони 1,0678 Га бўлган 2-ферма бино ва иншоотлари қўйилмоқда. Ферма 26 донна бино ва иншоотлардан ташкил топган. **Бошланғич баҳоси – 370 793 000 сўм.**

Аукцион савдолари 2012 йил 3 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочили ра вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 30 март куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипақ йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамчи кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайти: www.1kms.uz.Лицензия: RR-0001

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади: **Тендер ўтказиш санаси 2012 йил «29» март**

соат 10.00да

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат тартиби тури
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйилдиган йўналишлар			
1.	4И	«Чорсу савдо маркази АШБ – Чилонзор буюк бозори АШБ»	Микроавтобус
2.	9И	«Қўйлик М1 АШБ – Чилонзор буюк бозори АШБ»	Автобус
3.	18М	«Қўйлик М4 АШБ – Авиасозлар АШБ»	Микроавтобус
4.	71М	«Чилонзор 25-дахда АШБ – Олой бозори бекати»	Микроавтобус
5.	72М	«Авиасозлар АШБ – Товар станцияси бекати»	Микроавтобус
6.	77М	«М.Уйғур кўчаси АШБ – Унқўрғон кўрғони»	Микроавтобус
7.	115М	«МЖБК бекати – Товар станцияси бекати»	Микроавтобус
8.	119М	«Қўйлик М4 АШБ – Мажнунтол маҳалласи»	Микроавтобус
9.	123М	«Малика фабрикаси бекати – Нурунийлар оромоғи бекати»	Микроавтобус
10.	183М	«Бинокор кўрғони (Сурум маҳалласи) бекати – Қўйлик М1 АШБ»	Микроавтобус
11.	195М	«Оқ ота қишлоғи бекати – М.Юсуф кўчаси АШБ»	Микроавтобус

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ «Infin BANK»даги 20210000504197971001 х/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **118 минг 900 сўм** ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17.00да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ РКси бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2010 йил 24 майдаги № 1-3834-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Фазалкент шаҳри, Бўстонлик кўчаси, 23-уй, 25-хонадон. 4 хонали умумий майдони 74.90 кв. м., яшаш майдони 47.15 кв.м. Бошланғич баҳоси 25 647 000 сўм.

Савдога Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2011 йил 15 августдаги № 11-1129/13004-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда. Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Фазалкент шаҳри, Бўстонлик кўчаси, 8-уйда жойлашган 563 кв.м.дан иборат ер участкасида жойлашган умумий фойдаланиш ер майдони 280.35 кв.м. тўрт хонали ошхона ва 18 хонали 2 қаватли меҳмонхона. Бошланғич баҳоси 76 400 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 03 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 03 апрель куни савдога сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 18 апрель куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипақ йўли кўчаси, 184 - уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки ЦИРКНИНГ АЖОЙИБ СЕХРИ ОЛАМИ 17 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ШОШЛИНГ!

Томошалар: шанба кунлари соат 15.00, яшанба кунлари 12.00 ва 15.00да бошланади.

Маълумотлар ва жамонавий буюртмаларни 244-35-91, 244-32-23 телефонлари орқали олишингиз мумкин.

Чипталар цирк кассаларида ва тарқатувчилар томонидан сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

Касса соат 9.00дан 18.00гача ишлайди.

Кўргазмалар

ИЖОД НАМУНАЛАРИ

Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида рассомлик бўлими ўқувчилари ижоди асосида тайёрланган «Ижод мактаби» деб номланган расмлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадий академиясининг 15 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу кўргазмада Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати рассом педагогларининг 20 дан ортиқ рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг фармониغا кўра 1997 йилнинг 23 январидан ўз фаолиятини бошлаган Ўзбекистон Бадий академиясининг мамлакатимиз маданий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида эгаллаган ўрни бекиёс, — дейди Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати директори Сами Содиқов. — Бадий академиянинг ғамхўрлиги туфайли

санъат мактаб-интернатимизнинг бадий ҳаёти янада жонланиб, ёш рассомларнинг шахсий кўргазмалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Мазкур кўргазманинг долзарблиги Ўзбекистон санъатида мавжуд бўлган устоз-шогирд муносабатларининг ҳар бир асарда ўз аксини топганлигидадир. Таълим масканимизда таҳсил олаётган ўқувчилар У. Ҳороқов, Р. Мансуров, А. Қосимов, Г. Циганова, Н. Қодиров ва бошқа рассом-ўқитувчилар ёрдамида тасвирий санъатнинг сир-асрорларини ўрганмоқдалар.

Биз кўргазмани кузатар эканмиз, она Ватанга муҳаббат, табиат гўзалликларига шайдолик ҳислатлари кўпгина тасвирий санъат намуналарида акс этганлигининг гувоҳи бўлдик. Шу ўринда Бадий



академия аъзолари Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев, Анатолий Жибоедов, ҳайкалтарошлар Тўлаган Тожихўжаев, Тўлаган Ёркуловларнинг ҳам ушбу санъат масканида таҳсил олганликларини эслаганда ҳозирги иқтидорли ёшлар бу буюк рассомлар изидан боришга интилаётганликларини таъкидлашимиз келди. «Ижод мактаби» кўргазмасини кузатиш жа-

раёнида санъат ихлосмандлари П. Овчинникова, А. Қуллов, Г. Алжимамбетова ва бошқаларнинг на-турморт, манзара, С. Жалиевнинг графика, У. Ҳороқовнинг ҳайкалтарошлик асарлари, шунингдек, Ж. Халилов томонидан яратилган «Устун», «Кўчманчи» картиналари маҳорат билан яратилганлигини пайқайди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Спорт янгиликлари

Жорий йилнинг 23-27 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида кураш бўйича ёшлар ва кадетлар ўртасида VII жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида нуфузли мусобақани ўтказиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ПОЛВОНЛАР БУЮК БРИТАНИЯДА БЕЛЛАШАДИ

— 2012 йилги спорт мавсуми кураш бўйича нуфузли спорт анжуманлари, тадбирлар ва мусобақаларга бой бўлади, — дейди Кураш Халқаро ассоциацияси бош котиби Умид Ёқубов. — Ёшлар ва кадетлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати ассоциациямиз мусобақалари тақвимида жой олган энг йирик беллашувлардандир. Бу йил дунё спорт жамоатчилиги нигоҳи Буюк Британия мезбонлик қиладиган спорт оламининг энг йирик мусобақаси — XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпия ўйинларига қаратилади. Кураш бўйича жаҳон чемпионати беллашувлари ўтказиладиган Борнмут шаҳри эса ёзги Олимпиаданинг парус спортни бахсларини қабул қиладиган.

Шунингдек, матбуот анжуманида Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлодни баркамол тарзда тарбиялашнинг муҳим омилли сифатида спортни ривожлантириш жараёнида миллий кадриятимиз бўлиши ўзбек кураши ҳам тобора тараққий этиб бораётгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, 1998 йилда халқаро спорт тури мақомини олган кураш, бугунги кунда дунёнинг юздан зиёд мамлакатларида жадал ривожланмоқда. Ўғил-қизларимизни жисмонан бақувват, маънан етук қилиб тарбиялашда, уларда бағрикенглик, ҳалоллик ва ватанпарварлик каби инсоний фазилатларини шакллантиришда, миллий анъаналаримизга эҳтиром

билан қарашда, ўзбек спорт тури бўлмиш курашнинг алоҳида ўрни бор.

«Кураш», «таъзим», «ёнбош», «чала», «даки», «халол» каби ўзбекча сўзларнинг турли миллатга мансуб ҳакамлар тилидан янграши, чет эллик полвонларнинг миллий курашимиз усулларини қўллаб, бел олиши қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Буюк Британияда курашнинг ривожланиши учун кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу мамлакат курашнинг Европада тарғиб этиш йўлида жонбозлик кўрсатмоқда. Бинобарин, 2000 йилда Юртбошимизга чуқур эҳтиром рамзи сифатида «Ислоом Каримов» халқаро турнири ташкил қилинди ва ушбу мусобақа мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Кураш бўйича ёшлар ва кадетлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этиш истагини билдираётган давлатлар ва полвонлар сони тобора кўпаймоқда. Кураш Халқаро Ассоциациясидан маълум қилишларича, бу йилги мусобақада Европа, Осиё, Океания, Панамерика, ва Африка минтақаларидаги элликдан зиёд мамлакатнинг иқтидорли ёш полвонлари қатнашиши кутилмоқда.

Матбуот анжумани фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтиб, журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Гули ЧЕХРА

ҲАММАСИ ТОШКЕНТДА ҲАЛ БЎЛАДИ

Қатарнинг Доҳа шаҳрида Ироқ — Ўзбекистон олимпия терма жамоалари ўртасида Олимпиада ўйинларига саралаш турнирининг учинчи босқич «В» гуруҳи учрашуви бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, шу кунга қадар ушбу гуруҳда саккиз очко жамғариб пешқадам бўлиб олган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги олимпиячиларимиздан мухлислар фақат галаба қуттишлари бор гап. Чунки гуруҳда иккинчи ўринда бораётган Бирлашган Араб Амирликлари олимпия терма жамоасида ҳам саккиз очко мавжуд эди. Бундан ташқари ушбу турда БАА олимпия терма жамоаси ўз майдонида австралияликлар билан куч синашар эди.

Энди бевосита Ироқ — Ўзбекистон олимпия терма жамоалари ўйинига тўхтайдиган бўлсак, биринчи бўлим ҳамюртларимизнинг устунлигида ўтди. Футболчиларимиз асосан ҳужумкор, тезкор ўйин намойиш этишди. Бироқ ироқликлар ҳам тез-тез Қувватов кўриқлаётган дарвоза томон хавфли ҳужумлар уюштиришга муваффақ бўлишди.

Учрашувдаги дастлабки гол ҳамюртларимиз томонидан киритилди. Нагаев томонидан амалга оширилган бурчак тўпига биринчи бўлиб етиб келган Мусаев ҳужумни самарали яқунлади. Шундай қилиб 1:0 ҳисобида олдинга чиқиб олган футболчиларимиз бироз хотиржамликка берилишди. Биринчи бўлимга қўшиб берилган қўшимча дақиқада ҳимоячиларимиз жарима майдони ичкарасида рақиб футболчисини қоида бузиб тўхтаб қолишга мажбур бўлишди. Ҳакам томонидан белгиланган пенальтини Муҳаммад Саъд Абдуллоҳ аниқ амалга оширди. 1:1.

Иккинчи бўлимда учрашув тенг суръатлар остида кечди. Бироқ, ҳамюртларимиз ҳужумларида пала-партиш ҳаракатлар ва ҳимоя чизигимизда йўл қўйилаётган хатолар қимматга тушди. Учрашувнинг сўнгги паллаларида Мустафо Аҳмад яна бир бор Қувватов дарвозасини аниқ нишонга олди ва баҳс 2:1 ҳисобида ироқликларнинг галабаси билан яқунланди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, 14 мартда Тошкентда Ўзбекистон — БАА олимпия терма жамоалари ўртасида Олимпиада ўйинлари саралаш турнири учинчи босқич «В» гуруҳидаги сўнгги учрашув бўлиб ўтади. Ана шу беллашувда олимпиячиларимиз рақибларини имкон қадар йирик ҳисобда мағлуб этишса Лондон сари дадил одим ташлашади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида қўл жанги бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида уч юз нафарга яқин спортчи уч ёш тоифасида голиблик учун куч синашди.

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Мусобақада ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган тошкентлик Бобур Раҳматов, Равшан Абдулазизов, Шоҳруҳ Рўзиев, Шамсиддин Йўлдошев, Жаҳонгир Мансуров, қашқадарёлик Бобур Қурбонов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ҳалилар жорий йил Бельгияда ўтадиган қўл жанги бўйича жаҳон чемпионати ва Болгарияда ташкил этиладиган Европа очик чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладди.

Ўзбекистон чемпионатининг 10-11 ва 12-13 ёшгача бўлган болалар

ўртасидаги беллашувлари мамлакатимизнинг етакчи спортчиларига муносиб ўринбосарлар тайёрланаётганини кўрсатди. 11 ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида голиб чиққан пойтахт вакиллари — Ислоом Акбаров ва Иброҳим Акбаровнинг маҳорати мухлис мутахассисларга манзур бўлди. 12-13 ёшли болалар мусобақасида жиззахлик Жасурбек Қувондиқов ва наманганлик Нормурод Мирсаидов каби иқтидорли спортчилар биринчи ўринга лойиқ топилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси

БОКСЧИЛАРИМИЗ ГАЛАБАЛАРИ

Болгариянинг София шаҳрида бокс бўйича «Strandja Memorial-2012» халқаро турнири бошланди. Олтмиш учинчи маротаба ўтказилаётган нуфузли мусобақада дунёнинг йигирмадан зиёд мамлакатидан кучли чарм қўлқоп усталари голиблик учун куч синашмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев мазкур мусобақада асосан истеъдодли ёш боксчиларини синовдан ўтказмоқда. Халқаро турнирнинг дастлабки босқичида рингга чиққан Осиё чемпиони Шухрат Абдуллаев 75 килограмм вазн тоифасидаги биринчи жангда Жанубий Корея вакили Сун Жай Вуни 16:3 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Вазни 64 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Осиё чемпи-

онати голиби Санжарбек Раҳмонов мезбонлар вакили Георгий Георгиевга қарши жангни иккинчи раунддаёқ мутлақ устунлик билан ўз фойдасига ҳал қилди.

Истеъдодли ёш боксчиларимиздан Шаҳобиддин Зоиров англиялик Чарли Эдвардсга 19:15, Хуршид Норматов болгариялик Аделин Захариевга 14:6, Иззатилла Эргашев туркиялик Сейда Кесерни 17:9 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга чиқди.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълолар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11698 нусхада босилди. Қозғоз бичими А-2


Нашр учун маъсул Д. Исроилов

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.15



ҲИҚМАТ — ДИЛ ЧИРОҒИ ТЎРТЛИКЛАР

Кушнинг қанотида само шухрати,
Кимга озор бермиш майса
миннати.
Тикон таърифини атиргул айтсин,
Булбулга дил берган гунча зийнати.
* * *
Отлар туёғида эзилмас майса,
Майса қувонармиш отлар кўпайса.
Кувонар майсадек мулойим элим,
Элни эл қилгучи зотлар кўпайса.
* * *
Боғ кезиб ҳар ниҳолдан ўзимга
дўст изладим,
Кумриларга қўшилиб, сўзимга
дўст изладим,
Кун келиб тупроқ мени
тиллашгани чақирса,
Ортимдан йўқлаб борар изимга
дўст изладим.
* * *
Юрсанг йўлинг унаркан,
турсанг тошга ўхшайсан,
Умринга ўлчов сўра,
кўзда ёшга ўхшайсан.
Дилинган бир қатим нур
қидирганлар қувонса,
Оқшом ойга, кундузи сен
кўёшга ўхшайсан.
* * *
Кўнғироқ кўқдан келса, жаранги
баланд бўлур,
Бургутга камон тутган бургутга
монанд бўлур,
Сен бошингдан баландга
сакрашни одат қилма,
Тувақда гуллаган гул,
албат тувақда сўлур.
* * *
Қозонга яқин юрсанг,
қораси юқар эмиш,
Ёмонга яқин юрсанг,
балоси юқар эмиш.
Қозонни қаро қилган,
ёмонни бино қилган,
Аслида шу одамзот,
ўзидан кўрқар эмиш.
(Давоми бор)
Маҳмуд ТОИР

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 29 февралда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво му-29 февраль кунини ҳаво ҳаётида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига чилик кузатилмади. имконият яради. Ат-Шарқдан секундида 3-8 мосферанинг ифлосланиш метр тезликда шамол эса-даражаси 1-3 фоз ди. Ҳарорат кечаси — 0-2 кўпайиши тахмин қилин-даража илиқ, кундузи — 12- моқда, тағмиқдори наст 14 даража иссиқ бўлади.

Шайхонтоҳур тумани Жарарик даҳаси, 19-уй, 20-хонадонда истиқомат қилувчи Шахиев Махкам Хасанович номида бўлган ўй режаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ